



2023 йил 15 июль

№ РС-39-23

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг иккинчи
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига асосан Олий суднинг Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан тайёрланган 2023 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори юзасидан қуидагиларни таъкидлайди.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2023 йил биринчи ярми учун мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2023 йилнинг биринчи ярмида Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси томонидан жами 1 774 та фуқаролик иши кўриб тамомланган.

Кўриб тамомланган фуқаролик ишларининг 1 471 таси (82,9 фоизи) бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 228 таси (12,9 фоизи) бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 75 таси (4,2 фоизи) бўйича ўзгартирилган.

Жами қарорлари бекор қилинган 228 та ишдан 66 таси янгидан кўриш учун юборилган, 118 та иш бўйича янги ҳал қилув қарорлари қабул қилинган, 5 та фуқаролик ишлари иш юритишдан тугатилган, 4 та иш бўйича даъво аризалар кўрмасдан қолдирилган, 35 та иш бўйича апелляция инстанция судининг ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Статистик таҳлиллар орқали Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуий судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъатида кўриб тамомланган ишлар ҳудудлар кесимида:

Тошкент шаҳрида 472 та (шундан 60 таси бекор қилинган ва 15 таси ўзгартирилган), Тошкент вилоятида 204 та (32/4), Самарқанд 161 та (28/6), Фарғона 134 та (12/14), Қашқадарё 133 та (20/7),

Сурхондарё 97 та (15/2), Бухоро 91 та (19/3), Наманган 88 та (10/2), Хоразм 84 та (7/6), Андижон 69 та (8/2), Қорақалпоғистон Республикасининг 69 та (8/3), Жиззах 58 та (1/3), Навоий 56 та (5/5) ва Сирдарёда 51 та (3/3) иш кўрилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Бу даврда асосан **ишга тиклаш** (Тошкент шаҳри 14 та, Тошкент вилояти 8 та, Қашқадарё 7 та, Фарғона 5 та, Навоий 4 та, Бухоро ва Қорақалпоғистон Республикаси 3 тадан, Жиззах 2 та, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё вилоятида 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган), **зарарни ундириш** (Тошкент шаҳри 10 та, Фарғона ва Хоразм 5 тадан, Бухоро ва Сурхондарё 4 тадан, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари 3 тадан, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд 2 тадан, Жиззах вилоятида 1 та суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган), **қурилмани бузиш** (Тошкент вилояти 7 та, Самарқанд 5 та, Тошкент шаҳри 4 та, Қашқадарё 3 та, Андижон, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасида 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган), **тутар ёки нотурар жойдан кўчириш** (Тошкент шаҳри 4 та, Самарқанд ва Сурхондарё 3 тадан, Фарғона 2 та, Бухоро, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган), **қарз ва кредит билан боғлиқ низолар** (Тошкент шаҳри 9 та, Самарқанд 4 та, Андижон, Бухоро, Навоий, Тошкент вилоятлари 2 тадан, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Қорақалпоғистон Республикасида 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган), **мерос билан боғлиқ низолар** (Бухоро, Тошкент шаҳрида 3 тадан, Фарғона 2 та, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё вилоятларида 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган) бўйича ишлар кўриб тамомланган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан юқорида қайд этиб ўтилган ишларни кўришда ФПК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати (Г.Парпиева) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2023 йил август ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш;

суд амалиёти обзорини вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман ва шаҳар судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш юклансин.

3. Ушбу қарор ҳамда суд амалиёти обзори вилоят ва унга тенглаштирилган судларга, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда шу каби камчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўриш учун юборилсин.

4. Бухоро (Н.Файзиев), Самарқанд (З.Аллабаев), Фарғона (О.Ҳасанов) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар (Ш.Аббасов) судлари ишга тиклаш, зарарни ундириш, қурилмани бузиш, тураг ёки нотурар жойдан кўчириш, қарз ва кредит, мерос билан боғлиқ низоларни;

Андижон (Дж.Абдусаттаров) ва Қашқадарё (Э.Умиров) вилоят судлари ишга тиклаш, зарарни ундириш, қурилмани бузиш, қарз ва кредит, мерос билан боғлиқ низоларни;

Сурхондарё (Б.Джумаев) ва Тошкент вилоят (О.Исмаилов) судлари ишга тиклаш, зарарни ундириш, қурилмани бузиш, тураг ёки нотурар жойдан кўчириш, қарз ва кредит билан боғлиқ низоларни;

Қорақалпоғистон Республикаси (Б.Ктайбеков) суди ишга тиклаш, қурилмани бузиш, тураг ёки нотурар жойдан кўчириш, қарз ва кредит билан боғлиқ низоларни;

Жиззах (А.Шукуров) вилоят суди ишга тиклаш ва зарарни ундириш билан боғлиқ низоларни;

Навоий (И.Касимов) вилоят суди ишга тиклаш, қарз ва кредит билан боғлиқ низоларни;

Сирдарё (Г.Олимова) вилоят суди ишга тиклаш ва мерос билан боғлиқ низоларни;

Хоразм (А.Маткаримов) вилоят суди ишга тиклаш ва қурилмани бузиш билан боғлиқ низоларни;

Наманган (А.Сафаев) вилоят суди заарни ундириш билан боғлиқ низолар бўйича суд қарорларининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши сони юқори эканлиги боис:

судьялар томонидан тайёрлаш босқичига алоҳида эътибор қаратилиб, ишда иштирок этувчи шахслар доираси тўғри ва тўлик аниқланиши, уларнинг суд муҳокамасида иштирок этишга жалб этилиши;

иш бўйича аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатларни ҳар томонлама, тўлик, синчковлик билан текшириш орқали Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси талабларига риоя қилган ҳолда низога оид қонунчиликка мувофиқ асослантирилган қарор қабул қилиниши;

мазкур тоифадаги ишлар бўйича кўплаб қарорлари бекор бўлган ва ўзгартирилган судьялар билан алоҳида режа асосида индивидуал ишлар олиб бориб, уларнинг билим ва қўникмаларини оширилиши таъминлансин.

5. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси” ҳамда “Куч-адолатда” газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Хамроев), “Одил судлов” - “Правосудие” журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Ж.Умаров) суд амалиёти обзори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, “Одил судлов” - “Правосудие” журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари - Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Ҳ. Турахужаев зиммасига юклансин.

Раислик қилувчи,
Олий суд раисининг
биринчи ўринбосари

P. Махмудова

Р. Махмудова